



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 14 апрель, № 76 (7578) Сешанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 апрель куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбатда давлат раҳбарлари анъанавий дўстона ва самимий руҳдаги икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий соҳада кенгайтиришни долзарб масалаларни муҳокама қилдилар ҳамда айрим минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти пандемияга қарши курашда кўрсатилаётган амалий кўмак учун Мун Чже Инга самимий миннатдорлик билдирди. Хусусан, март ойининг охиридан мамлакатимизда корейлик профессор — эпидемиолог мутахассис фаол ишламоқда, билим ва кўникалларни билан ўртоқлашмоқда. Шу ойда мазкур диёрдан юртимизга яна бир тажрибали мутахассис — анестезиолог-реаниматологнинг келиши кутилмоқда. Фуқароларимизни эвакуация қилиш ва зарур тиббиёт воситалари етказиш учун чартер рейслар ташкил этилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистонда Корея тиббиётининг, жумладан, карантин тадбирларини ташкил этиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, тиббий кадрлар малакасини ошириш борасидаги илгор тажрибасини самарали жорий этишга қатъий интилишларини қайд этидилар.

Икки давлат соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт марказлари ўртасида саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва тезкор ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Мулоқотда Президентлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва илмий-инновацион ҳамкорликда эришилган суръатларни сақлаб қолиш масалаларига батафсил тўхталдилар.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳалари ҳамда ушбу мамлакат Эксимбанки ва «EDCF» жамғармаси иштирокидаги ижтимоий аҳамиятга эга дастурларнинг амалга оширилиши таҳлил қилинди.

Савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони сезиларли даражада органи мамнуният билан қайд этилиб, бу ишбилармон доираларнинг ўзаро қизиқиши кучайиб бораётганидан далолат экани ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Ўтган йил апрель ойида мамлакатимизга амалга оширилган олий даражадаги ташир чогида эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда Сеулда бўлажак учрашувга пухта тайёргарлик қўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари даражасида фаол мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Телефон мулоқоти якунида Президент Мун Чже Ин Корея Республикаси биродар Ўзбекистонга бугун долзарб бўлиб турган қийинчиликлар ва замонавий хатарларни тез фурсатларда енгиб ўтишда барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор билдирди.

Ў.А.

Халқаро жамоатчилик: ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИНИНГ ОҚИБАТЛАРИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ БЎЙИЧА ИЛГАРИ СУРИЛГАН АНИҚ ТАКЛИФЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10 апрель куни видеоанжуман тарзида ўтказилган Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги иштироки ва унда билдирган аниқ тақлифлари хориж оммавий ахборот воситаларида қизғин кутиб олинди.

ДУНЁ НИГОҶИ

“Анадолу” ахборот агентлиги (Туркия) хабарида келтирилишича, бугунги кунда бутун дунёда катта таъшиш ва хавотир уйғотаётган коронавирус пандемиясига бағишланган олий даражадаги видеоанжуманнинг муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Мулоқот мобайнида коронавирус пандемияси тарқалишига йўл қўймайлик борасида Кенгашга аъзо давлатларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди, касалликка қарши курашиш мақсадида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар ўртасидаги кооперациянинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар билдирилди.

Туркиялик эксперт ва сиёсатшунос Мурат Акан, ўз навбатида, COVID-19 вируси тарқалишининг оқибатларига қарши самарали курашда туркий-ислом дунёси қадриятларининг муҳимлиги яна бир бор яққол намоён бўлди, деб ҳисоблайди. “Бошқа мамлакатлар ўз муаммоларини ҳал қилишга берилиб кетган бир пайтда туркий тили давлатлар бир-бирларига ва бошқа мамлакатларга ёрдам кўрсатиб, ҳамжиҳатлик ва бир-дамликни намоён қилмоқда. Туркий тили давлатларининг коронавирус пандемияси билан ҳамкорликда курашишни янада кучайтириш тўғрисидаги қарори бўлиб ўтган саммитнинг муҳим натижаси бўлди”.

Ушбу фикрнинг исботи сифатида қароргоҳи Лондонда жойлашган “EU Today” таҳлилий агентлиги хабарида Туркия Озарбайжонга вирусга қарши кураш учун дори-дармонлар ва тиббий анжомлар юборгани, Қозоғистон Қирғизистон фуқароларини Хитой ва Ҳиндистондан эвакуация қилишда ёрдам кўрсатгани, Ўзбекистон Киргизистон ва Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон эса Венгрияга тиббиёт воситалари жўнатгани қайд этилади.

“Sputnik” халқаро ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев саммитдаги иштироки чоғида мамлакатда коронавирусга қарши олиб борилаётган тизимли кураш тажрибаси, шу жумладан, карантин чоралари билан ўртоқлашди. “Айниқса, республика ҳудудларида карантин зоналари ва замона-



вий модуль касалхоналарини барпо этиш, уларда беморларни даволаш учун қўлланилаётган усуллар ҳақидаги ахборотлар онлайн-мулоқот иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ушбу оғир шароитда шифокорлар саломатлигини химоя қилиш, уларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар тақдим этилди”.

Агентлик муҳбирининг таъкидлашича, пандемия шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ва реал бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизмларини йўлга қўйишнинг удрасидан чиқди. Дунё иқтисодиёти ўсиш суръатлари пасайиб бораётган бир даврда бу ниҳоятда муҳим ютуқдир.

“ИнфоШОС” электрон портали Туркий кенгаш саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишининг оқибатларига қарши самарали кураш бўйича қатор аниқ тақлифларни юқори баҳолайди. Хусусан, шарҳловларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг Туркий кенгаш доирасида эпидемиологик ҳолатни мониторинг, таҳлил қилиш ва унинг ривожланишини прогноزلаш бўйича доимий фаолият юритиш тизим яратиш ҳақидаги ташаббуси бугунги шароитда ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Зеро, бу орқали ташкилот мақомидаги эпидемиологик ҳолат таърифида тажриба алмашиш, узоқ муддатли ва самарали илмий тадқиқотлар олиб бориш учун бундай ҳамкорлик сув ва ҳавода зарурдир. Россиялик журналистларнинг қомил ишонч билдиришича, вирус тарқалиши туфайли деярли барча давлатлар ўз чегараларини ёпаётган шароитда Шавкат Мирзиёевнинг транспорт инфратузилмаси ва коммуникацияларидан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш, юк ташиниш ва уларнинг соддаштирилган тартибда чегарадан ўтказилишида амалий кўмаклашиш, ташкилотга аъзо мамлакатларнинг транспорт вазирлари раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузиш орқали юзага келаётган барча масалани тезкор ҳал қилиш бўйича билдирган тақлифлари миллий иқтисодиётларга COVID-19 туфайли қўллаб-қувватлаш зарарини камайтириш имконини беради.

логик ҳолат бўйича комплекс тасаввурни шакллантириш мумкинки, натижада COVID-19га қарши ўзаро келишилган ва кўп қиррали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади.

“Красная весна” ахборот агентлиги (Россия) шарҳловчиси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркий кенгашга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирликлари ва етакчи тиббиёт муассасалари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тақлифини алоҳида эътироф этади. Хавфли юқумли касал-

КРАСНАЯ ВЕСНА

ИНФОРМАЦИОННОЕ АГЕНТСТВО

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

2020 йил 8 апрель куни Президентимиз раислигида коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлилий ҳамда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишлаб видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Йиғилишда белгиланган вазифалар асосида жорий йилнинг 13 апрель куни Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг «Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Деҳқон хўжаликлари ва ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ҳар қачонгидан долзарб

Бугун давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда COVID-19 инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ва бу пандемиянинг иқтисодиёт ривожига салбий таъсири юмшатиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган талабини узлуksиз ва етарли даражада таъминлашга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Ҳозиргидек карантин ва ўз-ўзини яққолаш жараёнларида ушбу масала янада муҳимдир. Аҳолининг бирламчи озик-овқат маҳсулотларига бўлган талаби кескин ошиши оқибатида маҳсулотлар захирасини зарур меъёрга сақлашни шароитининг ўзи тақозо этмоқда. Шу мақсадда уйда ўтирган аҳоли, деҳқонлар ва томорқа ер эгаларининг томорқа хўжаликлари имкониятларидан самарали фойдаланиши аини муддаодир.



Мақсад — озик-овқат хавфсизлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенати Кенгашларининг «Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қўшма қарори бугунги кунда ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Мухбиримизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Равшан МАМУТОВ билан сўхбати шу мавзуга бағишланди.



— Равшан Аминаддинович, Кенгаш йиғилишида қабул қилинган қўшма қарорнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Президентимиз раислигида шу йил 8 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ХАЛҚНИ БОЙ, ЭЛНИ ФАРОВОН ҚИЛИШ

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги услубидан кўзланган асосий мақсад шу.

Ҳозир бутун дунёда ҳукм сураётган коронавирус пандемияси шароитида қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш энг долзарб масалага айланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 10 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ана шу масала муҳокама қилиниб, пахтачилик ва галлачиликда кластер тизимини ривожлантириш, баҳорги агротехника ишларини самарали ташкил қилиб, ҳосилдорликни ошириш бўйича тавсиялар, аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Кластер

Озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги услуби — кластерга катта ишонч билдирилмоқда. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг халқни бой, элни фаровон қилиш госяси асосида ташкил этилган мазкур тузилма сўнгги уч йилликдаги энг муҳим янгилликлардан бири бўлди. Натижада аграр соҳа таркибий жиҳатдан ўзгариб, маҳсулот этиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг занжиримон усулига асос солинди.

Бирлашган корхоналар мажмуи, аҳоли турли қатламларини ўзида жамловчи боғлам, аини пайтда соҳада инновацион иқтисодиётга ўтишининг муҳим босқичидир. Иш юритишнинг ушбу услуби шарофати билан деҳқончилик қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, хом ашёни қайта ишлаб, юқори қўшимча қиймат яратишгача бўлган барча фаолиятни тўлиқ бир тизимда қамраб олади. Натижада қишлоқ хўжалиги ва sanoat интеграциялашуви юз бериб, кластер иштирокчилари — ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам sanoat тармоқлари меҳнатчиларининг манфаатлари муштараклашади.

Ҳўш, кластер нима? У бизга нима беради? Кластер, бу — ягона технологик занжирга



УМИД ВА ИШОНЧ

коронавирус инфекциясини енгишда муҳим омил бўлмоқда

Мамлакатимизда глобал офат — коронавируснинг олдини олиш ва унга барҳам бериш борасида тезкорлик, ишчилик ва собитқадамлик билан зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор, шифокорларимизнинг фидокорона меҳнатлари самараси ўлароқ коронавирус инфекциясига чалинган беморлар соғайиб, яна бахтли ҳаётга қайтмоқда.

Аҳамиятлиси, касаллик маҳв бўлаётган ҳудудлар географияси ҳам кенгайиб бораётди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумоти-га кўра, 13 апрель куни Қашқадарё вилоя-

тида 2 нафар, Фарғонада 2 нафар, Андижонда 4 нафар, Наманганда 11 нафар бемор хавфли касалликдан тузалди. Улар му-тасаддилар иштирокида реабилитацияга кузатилди. Шу тарика мамлакатимизда бар даражада фуриб бўлган инсонлар сони 85 нафарга етди. Бу нафақат Тошкент шаҳрида, балки ҳудудларимизда ҳам малакали шифокорлар томонидан коронавирус инфекцияси-ни халқаро стандартлар асосида даволаш чоралари самарали олиб борилаётганидан далолатдир.

Хушхабар

КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 13 апрель ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **1 896 708** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **442 262** нафар, вафот этганлар сони — **117 924** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 13 апрель соат 23.00 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **998** нафар, тузалганлар **85** нафар, вафот этганлар **4** нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Омилкорлар тажрибаси кенг оммалаштирилади

Мамлакатимизда бандлик масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлири томонидан қабул қилинган "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қўшма қарор ҳам ана шу максатларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Тажрибали лозимки, ҳозиргидек мурракб шароитда томорқадан унумли фойдаланиш уйда ўтирган аҳоли бандлигини таъминлаш билан биргаликда камбағаллик ва ишсизликни камайтириш, дастурхонларимиз тўқис бўлишига замин яратлади.

Робохон МАХМУДОВА, Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

УМИД ВА ИШОНЧ

коронавирус инфекциясини енгишда муҳим омил бўлмоқда

Тажрибали жоизки, ушбу муваффақиятлар замирида юрти-миздаги юқумли касалликлар шифохоналари жамоаларининг баҳам-жихат бўлиб, улкан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, коронавирუს инфекциясига чалинган беморларнинг шифо топиши учун астойдил курашаётгани муҳим аҳамият касб этапти. Бунинг учун шифохоналарда барча шароит яратилган, улар дори-дармон, замонавий тиббий технологиялар, ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Энг муҳими, дардан фориғ бўлаётган инсонлар қувончи коронавирус билан курашаётганларга куч-ғайрат бағишламоқда. Бу каби хушхабарлар эса дунёни таҳликага солаётган коронавирус инфекциясини билан самарали курашиш мумкинлиги, ҳатто ғолиб бўлиш имкони борлигини кўрсатмоқда. Биз қолган барча беморларнинг ҳам тез орада соғайиб, оиласи бағрига қайтишни тилаб қоламиз.

«Халқ сўзи».

Китоб Қуёш каби йўлларимизни ёритади

Президентимизнинг коронавирус билан боғлиқ вазият бўйича халқимизга мурожаати барчамизни яна бир бор сергак тортиргани, шубҳасиз. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзида эл-юрт тақдирига қуюнчаклик, оталарга ғамхўрлик аққол ифодасини тоғди. "Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни кунт билан ўзлаштириг. Китоб ўқиг, билимингизни ошириг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг", дея таъкидлади.

Мулоҳаза

Бу мурожаат ота-оналарга, ёшлар таълим-тарбиясига ўзини масъул деб билган ҳар бир инсонга бирдек дахлдордир. Зеро, фарзандларининг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, қалбларига мутулаа меҳрини, завқини жойлаш ота-оналарнинг, эл-юрт зийёларининг бурчи, масъулияти.

Тўғри йўналиш, рағбат керак. Ота-онанинг мадади зарур. Ҳозир шундай фурсат! Синовли кунлар ортига эгизак қувончлар бекинган. Улар сония санаб, давраимизга оёқ олишни интиқ қўтиб турибди! Вақтининг ҳар дамидан фойдаланиб, режа қилган китобларимиз мутулаасига берилган имкон бў!

Бугун "Ғунча"севар болажонларнинг тахририят билан алоқаси узилгани йўқ. Ижтимоий тармоқлар орқали оқиб келаётган хатлар — ўқувчиларимизнинг ижод намуналари журналнинг икки-уч сонига тахт қилиб қўйилди. Бунинг учун ўқувчиларимизнинг ота-оналари ва устозларидан миннатдоримиз.

Ҳасан Басрий айтди: "Донишманднинг тили юрагининг орқасидир. Агар габириши хоҳласа, юрагига қарайди, габириди унда яхшилик бўлса, гапирарди". Бугун юрагимизда қарасак: тўлиб-тошиб гапиргимиз келади, шу юртининг фарзанди эканлигимиздан гурурланиб кетамиз. Ҳеч бир фарзанднинг эсдан чиқармайдиган юрт отасининг меҳру эътиборидан, ҳиммати адоқсиз инсонларга юртдош эканлигимиздан тўлқинланамиз. Ишончдан, қувончдан, дуолардан куч оламиз!

Дилфуза ШОМАЛИКОВА, «Ғунча» журнали бош муҳаррири.

Акс садо

Электр таъминотидаги муаммолар бартараф этилади

Газетамизнинг шу йил 10 апрель сониди "Дарахтлар шохлари электр симлари учун хавфлими? Улар орасидаги масофани белгилашда кимлар масъул?" сарлавҳаси остида таҳлилий мақола эълон қилинган эди.

Орадан кўп ўтмай пойтахтимиз фуқаролари, халқ вакиллари ҳамда соҳага муҳим ташкилотлар мутасаддиларидан мақолада қайд этилган ҳолатлар, юзга келган муаммолари вазиятлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билдирилган телефон кўнгиноқлари бўлди ва электрон мактублар олдик. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

Дарахтлар симларга ҳалақит бермаслиги шарт

Ҳақиқатан ҳам, 8 апрелдан 9 апрелга ўтар кечаси ёққан қор ва кучли шамол туфайли қўлаб дарахтлар синиб, истеъмолчиларни электр энергиясидан узиб қўйди. Бундан фуқароларимиз азият чеккани ҳам рост. Сирасини айтганда, синган дарахтларнинг кўпи 1-2 йиллик дарахтлар эмас, аксинча, кўп йиллик дарахтлар. Табиийки, йиллар давомида уларнинг бўйи баландлайди. Аммо уларни кесиб олиб ташлашнинг ҳам талаби бор. Қолаверса, қимматбаҳо дарахтларини кесиб бўйиша шу йил 31 декабргача мораторий эълон қилинган. Маълумки, электр таъминоти билан шуғулланувчи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш давлат қўмитаси, ободонлаштириш, йўлларни кўкаламзорлаштиришга масъул мутасадди ташкилотлар бор. Улар ўзаро ҳамкорликда электр таъминоти

таъмир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни олдидан аниқлаб, ҳалақит берадиган дарахт шохларини кесиб ташлаш тадбирларини амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, воқеа содир бўлганда оқибатлари билан шуғулланмай, унинг олдини олиш бўйича илгарироқ ҳаракат қилиш жоиз. Бу дегани дарахтни кесиб керак, дегани эмас. Аксинча, "санитар рубкаси", яъни ҳалақит бераётган шохларни кесиб олишга ошириш керак эди. Ававало, бунинг учун аниқ стратегия ишлаб чиқиши керак. Электр таъминоти узатиладиган линиялар атрофида унга таъсир қилиши мумкин бўлган, баланд ўсадиган дарахтларни эмаслик лозим. Агар экиладиган бўлса, бу ўша кунгидек кучли шамол таъсирида нафақат электрдан узиб қўйиши, балки инсон саломатлигига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатлар кузатилса, электр симларига яқин дарахтлар белгиланган тартибда кесилиши шарт. Юқоридаги каби ҳолатларга ўзим ҳам бир

Дарахтлар шохлари электр симлари учун хавфлими?
Улар орасидаги масофани белгилашда кимлар масъул?
Шу йилнинг 8 апрелдан 9 апрелга ўтар кечаси кўнгиноқнинг ёлди узок вақт сакланиб қолса ажаб-амис. Нилғиса, яқин шу кунг бекор бўлишига қарамай, дарахтларимизнинг барча ҳудудда об-ҳаво ҳолати ўзгариб: кучли эсанга шамол ва қор дарҳат шохларини синдириб ва ҳатто, айрим дарахтларни қулатиб, қўчаларни тўсиб қўйди.

неча марта гувоҳ бўлганман. Шу боис электр линияларини тортишда муҳофаз зонасига қатъий амал қилиш ҳам зарур. Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорида электр узатиш линиялари билан яқин жойлашган биналар ва иншоотлар, шунингдек, дарахтлар ва бошқа кўп йиллик ўсимликлар ўртасидаги рухсат этиладиган энг кам масофа электр қурималарининг тузилиши қондаларида белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Келгусида шу нарсга эътибор бериш керакки, электр линияларидаги, тортилган симларга етиб бормайдиган дарахтларни экиш, мажбурдиклиги тегишли ташкилотлар мутахассислари қайта кўриб чиқиб, ҳулоса қилиши керак. **Хайрилло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Кунунчилик палатаси депутати.**

Халқ саломатлигига қаратилган чоралар

Ўтган ҳафтада Президентимиз томонидан иккита муҳим ҳужжат қабул қилинди. "Ўзбекистон Республикасида халқ таъминоти ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаз қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мажбур ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар халқимиз саломатлигини ишончли муҳофаз қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга мўл.

Муносабат

COVID-19 пандемияси бу ёруғ дунёда инсон саломатлигини сақлашдан муҳимроқ масала йўқ эканини тасдиқлаб турибди. Ҳатто қудратли давлатлар ҳам хуруж қилаётган касаллик олдида ожиз қолмоқда. Мамлакатимизда ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар, вазият қатъий назорат остига олингани, халқимиз карантин тартиб ва қондаларида амал қилаётгани натижасида касаллик ёйилишининг олди олинмоқда.

Албатта, бу кунлар ўтқинчи. Ҳамжихатлигимиз, бирдамлигимиз билан юзга келган эпидемиологик ҳолатга барҳам берамиз. Ҳаёт эса давом этмоқда. Юқориди қабул қилинган қарорлар эртанги кунимиз, халқимиз сийхат-саломатлигини барқарор мустаҳкамлашни кўзда тутди. Умуман олганда, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасига жиҳдий эътибор қаратишмоқда. 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барчанинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиёт илм-фанининг замонавий ютуқлари ва технолологияларини жорий этиш, аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Янги қабул қилинган касалликга оид қарор халқ таъминотининг табиатликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усулларини замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фуқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйишни назарда тутди. Ҳозир Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Халқ таъминоти соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегия амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ушбу стратегия доирасида қатор йўналишларни қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, инсонларга ўз соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида онгли танлов учун имкониятлар яратиш ҳамда халқ таъминотини салоҳиятини фойдаланиш, халқ таъминоти маҳсулотлари ва амалиётини соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш, кадрлар малакасини ошириш, даволаш кўникмалари, хизматлари ва усулларини такомиллаштириш йўли билан халқ таъминоти хавфсиз ва самарали қўллашга лозим даражада кўмаклашиш кўзда тутилмоқда.

Қарорда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон халқ таъминоти ассоциацияси, "Табобат" академияси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда халқ таъминоти ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича "Йўл харитаси" билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланди. Қарорнинг яна бир диққатга сазовор жи-

ҳати шундаки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқ таъминоти ассоциациясининг тақлифлари билан 2020 йил 1 майдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ таъминоти илмий-амалий маркази, тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида Халқ таъминоти ривожлантириш ҳудудий марказлари ташкил этиладиган бўлди. "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаз қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мажбур ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор халқимиз, айниқса, бу борада муайян тажрибаси бор ҳамюртларимиз томонидан қизгин қўтиб олинди.

Шунини очик эътироф этиш керакки, республикамизда сўнгги йилларда бу борада изчил ислохотлар амалга оширилаётганини кўриб-билиб турибмиз. Қарорда ўринли таъкидланганидек, маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика санаетида фаол қўланиб келинмоқда. 2019 йилда 48 миллион АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулот экспорт қилинган.

Яратган бизга икки дарё ораллигини, Ўзбекистондек гўшани Ватан қилб берган. Ватаники, замин олтинга тенг, иклими мейёрли, фасллари гўзал ва мева-чеваси танга роҳат, зироати даромадли, ҳатто гийҳи кўзга суртулми. Бинобарин, бу ҳужжатда мутасаддилар олдида доривор ўсимликларни муҳофаз қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлиги ва соҳада етиштириш ҳамда қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қўлай муҳит яратиш, экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнла-

рини интеграциялаш мақсад қилинган. Жумладан, Ўзбекистонда 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, билрамчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини ташкил этиш, шунингдек, худудларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштириш йўлга қўйилди. Қарорда доривор ўсимликлар плантациялари ресурсларни таъминлаш мақсади билан қўлланган ҳолда, "Хар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ажратилмаган, Бандликка кўмаклашиш давлат жағмармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жағмармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилиши белгиланб қўйилди. Фанлар академияси Инновацион ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатга камайиб бораётган табиий ҳолда ўсувчи ноёб доривор ўсимликлар рўйхатини шакллантиради. 2020 йил 1 июндан бошлаб тиббиёт муассасалари, шу жумладан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида фито-барлар ташкил этилади. Шу каби фито-барлар 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мактаб ва олий таълим муассасаларида ҳам иш бошлайди. Одамзод бошига келган бугунги синови кунлар ҳар бир соҳада ўзимга озо ечимларни тақозо этмоқда. Инсон иммон тизимини кучайтириш, табиий тоза нёматлардан саломатлигини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш, соғлом ва покиза ҳаётга одатланиш турли касалликларга чалинамаслик шартлари эканини пандемия тасдиқлаб турибди. Ховлиларимизда, дала ва болғаримизда униб-ўсадиган қанчадан-қанча доривор гийҳлар бор. Муқаддас заминимизда ўсадиган бу каби минг дардга малҳам нёматлар жуда кўп. Президентимизнинг маъзур қарори муносабати билан бу соҳа энди тизимли ривожланиши ва халқимизга чинкам хизмат қилади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Тарихда юқумли касалликларга қарши қандай курашилган?

Тарихда турли юқумли касалликлар, жумладан, вабо хасталиги халқлар бошига қатта мусибатлар олиб келган. Барча замонда унинг тарқалишини ялловлаш осон кечмаган. Бу балони бартараф этишда халқнинг жиғислиги, сабр-матонати, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Тадқиқ

Юқумли касалликларнинг келиб чиқишини ўрганган ва уларни самарали даволашда катта ютуқлар эришган олимлар фаолияти ҳам ғоятда қадридлир. Жумладан, Абу Бакр ар-Розий илк бор чечак ва қизамиқни бир-биридан ажратиб, улар алоҳида касаллик эканлигини аниқлаган табиб ва файласуфдир. У "Вабо ҳақида рисола" ва "Султон Мансурга бағишланган тиб китоби" асарларида вабога кенг ўрин ажратиб билан бир қаторда юқумли касалликларга оид терминларни батафсил таснифлаган. У вабо кучайганда қуйидагиларга амал қилишни тавсия этган: танани совиқ, қуруқ, бақувват ва ортинча чиқиндилардан тоза тутиш, ҳазми енгиб оқватларни истеъмол қилиш, тоза ҳаволи жойда яшаш, мизожи иссиқ нарсалардан сақланиш, нафас олиш йўли (бурун)ни тоза сақлаш, нафас олишни яхшилаш. Шунингдек, кўп ухлаш, шароб ичиш, жинсий алоқа ва рўза тутишдан сақланишни тавсия қилган. Уйни сирка билан тозалаш турмуш ва тозаловчи хусусиятга эга арман лойидан фойдаланишни маслаҳат беради.

Табобат тарихида биринчи бўлиб Ибн Сино вабо билан ўлатни бир-бирдан фарқлаган, юқум-

ли касалликлар билан оғриган беморларни бошқалардан ажратган ҳолда сақлаш кераклигини таъкидлаган. Улуғ ҳақим вабони даволашда объектив шароитни ҳар томонлама ўрганишга қатта аҳамият берди. Атроф-муҳитдаги турли табиий нарсалар, сув, ҳаво, кўзга қўринмайди "майда жонотлар", яъни вируслар орқали касаллик тарқалишига эътибор қаратди. Шу билан бирга, кўпгина юқумли касалликларнинг турли уй жониворлари, ёввойи ҳайвонлар, кемирувчилар ва қўшлар орқали ҳамда қанала, пашшалар ва бошқа хашаротлардан юқишни аниқлади. У ўзининг "Тадбирда йўл қўйилган ҳар хил хатоларга қарши чора қўриш орқали инсон баданига етишган турли зарарларни йўқотиш" рисоласининг "Вабонинг чорасини кўриш" бўлимида бу касаллик ҳавонинг булғаланишидан пайдо бўлиши, бундай ҳовадан нафас олган инсон қалбини мизожи ва ундаги ҳаётий руҳининг мизожи бузилишига олиб келишини айтиб ўтган. Ҳавонинг бузилишига сабаб бўлувчи ёмон булғарининг тарқалишига шамолчи сабаб қилиб кўрсатган. Шамол вабони яхши ҳаволи жойларга ҳайдашни айтди. Олимнинг фикрича, вабо баъзида

инсонга маълум бўлмаган ер остидаги сабаблардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Абу Али ибн Сино битган вабонинг олдини олиш борасидаги тавсиялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларнинг баъзиларини санаб ўтамиз: кўрқув ва ваҳимага тушмаслик, бу ҳолатга тушган кишининг қон таркиби ўзгариб, танани заҳарлайди ва турли хил касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади; гигиена қонун-қоидаларига риоя қилиш; мунтазам жисмоний тарбия қилиш; шўғулланиш; тўғри овқатланиш; жамоат жойларида тўпланмаслик, вақтинча бозорлар ва масжидларни ёпиш; кийимларни сирка сувида тозалаш (дезинфекция); даволочи шифокор бурнини сирка сувига ботирилган пахта билан тозалаш турмуш ва шувёқ барглари-ни чайнаши; пулни сирка сувида ботириб тозалаш ва ҳоказо. Юқорида биз келтирган маълумотлар шундан далolat берадики, ўзбек халқи азалдан соғлиқни сақлаш, юқумли касалликларга қарши курашиш борасида ўз анъаналари, урф-одатлари ва бой илмий меросга эга бўлиб, бугун бундан дунёга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам хавф солаётган коронавирус пандемияси каби юқумли касалликларга қарши бирдамликда, мардонвор кураша олди.

Баҳром АбДУҲАЛИМОВ, ЎзРФА вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор.

ҲАМИША ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙДИ

Адабий ҳаётимиздаги оғир жудалик — Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг вафоти ҳақидаги мусибатли хабарни эшитиб, биз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўп сонли аъзолари, устоз адибнинг дўсту биродарлари, уқалари ва шогирдларининг юраги чуқур қайғу-изтиробга тўлди.



Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтиб, ўзидан нурли из қолдирди. Устоз адиб билан видолашув палласида, табиийки, бу мунаввар, ибратли ҳаёт саҳифалари ёдимизга тушди. Анвар Обиджон 1947 йилнинг 8 январь куни Фарғона вилоятининг Олтиқўрғон туманидаги Полосон қишлоғида туғилди. У шەър ёзишни мактабда ўқиб юрганидек бўлиди. Дастлабки шеърлари "Ғунча" журналида эълон қилинди. Меҳнат фаолиятини ҳам эрта бошлаб, еттинчи-саккизинчи синфларда ўқиб юрган пайтларида чекка маҳаллалар аҳолисига текин хизмат кўрсатувчи сайёр кинчиога шогирд тушиб, касб ўрганиб, пахта тайёрлаш завод-пунктида тракторчилик қилди, қонда бургиловчи бўлиб ишлади, Полосон қишлоғидаги фотобухона бошқарди, Самарқанд молия техникуминини тугаллади, сўнгра ҳарбий хизматни ўтати.

Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида сиртдан таълим олди. Анвар Обиджон 1981 йили Тошкентга келиб, ҳозирги "Янги аср авлоди", "Қўллон" нашриётларида, "Муштум", "Ёш куч" журналларида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида фаолият юритди. У болалар учун ҳам, катталар учун ҳам қатор қиссалар, шеърлар, достонлар, ҳикоялар, пьесалар яратди. Адибнинг "Она Ер", "Баҳромнинг ҳикоялари", "Эй, ёруғ дунё...", "Оловжон ва унинг дўстлари", "Безгақамол", "Кетмагил", "Масқарабоз бола", "Аканг қарагай Гулмат", "Жуда қизик воқеа", "Дахшатли Мешполвон", "Ерликлар", "Мешполвоннинг жанглири", "Булбулнинг чўпчаклари", "Одобли бўлиш осонми?", "Танланган шеърлар", "Уқ ўтмас болақай ортиқ олтин орак", "Ажинаси йўқ жинқучлар" каби ўттиздан ортиқ китоблари нашр этилди.

Анвар Обиджоннинг драматург сифатидаги фаолияти "Кўнгиноқли ёлғончи" комедияси Ёш томошабинлар театрида сахналаштирилганидан бошланган. Шундан бошлаб мамлакат театрларида адибнинг "Паҳлавоннинг ўғирлиниши", "Топсанг — ҳай-ҳай" ("Коринботир"), "Наврўз ва Боичечак", "Аламазон" каби қўлаб пьесалари қўйилди. "Ўзбекфильм" киностудиясида адиб сценарийлари асосида "Тилсимой — гаройиб қизалоқ", "Дахшатли мешполвон" комедиялари тасвирга олинди.

Анвар Обиджон фаол, халқчил иждоқор бўлиш билан бирга, болаларнинг сеvimли шоири ҳам эди. Ёшлар, шەрият ихлосмандлари устоз адибни учрашувларга зўр мамнуният билан тақлиф этар, у деярли ҳар қуни мактаблар, олий ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар, маҳаллаларда адабиёт ва шەрият мухлисари даврасида бўлар эди. Шу билан бирга, янги ва яхши асарларини теъзорлик билан тақлиф, даврий нашрларда пешма-пеш чоп эттирди. Шоир шеърлари асосидаги видеоориқлар ва дилбар қўшиқлар халқимизга ёд бўлиб кетган. Адибнинг асарлари мактаб дарсликлари ва олий ўқув юртлари қўлланмаларига кирган.

Миллий адабиётимиз ривож йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, Анвар Обиджон "Шуҳрат" медали (1997), "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони (1998) ва "Фидокорона хизматлари учун" (2011) ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва кўп сонли аъзолари номидан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг вафоти муносабати билан марҳумнинг турмуш ўртоғига, фарзандлари ва барча оила аъзоларига сабуру бардош тилайини, ҳамдардлик билдирамыз. Шундай мусибатли кунда қалбдан бирга эканимизни маълум қиламыз.

Устоз Анвар Обиджоннинг хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ижодий жамоаси Тахир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири **Анвар Обиджон**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

ЕВРОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК



чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларига қандай таъсир кўрсатади?

Ҳозирги кунда мамлакатимиз экспорт-импорт амалиётининг 70 фоизи Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан амалга оширилмоқда.

Шу маънода, мазкур тузилма билан ҳамкорлик Ўзбекистонга бир томондан янги қулайлик ва имкониятлар эшигини очса, бошқа томондан янги талабларга ҳали тайёр бўлмаган бизнес ёпилишига ҳам олиб келиши мумкин.

— Фахриддин Атоевич, аввало айтиш-чи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик мамлакатимиз чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари учун қанчалик долзарб?

— Билмадикми, бугунги кунда ушбу ташкилотга Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозғистон, Қирғизистон ва Россия аъзо. Молдова кузатувчи давлат ҳисобланади, Вьетнам, Эрон, Хитой, Куба билан эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги келишувлар имзоланган.

Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги эса бошқа давлатлар билан бир қаторда, ўз ташаббусларини амалга ошириши ва бутун иқтисодий иттифокнинг келажигига таъсир кўрсатиши мумкин.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?


— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Халқаро бозорда чиқиб қорхоналарда халқаро бошқарув тизими қай даражада жорий этилганлиги ҳамда ички ва тармоқлараро кооперация алоқаларига ҳам боғлиқ...

— Саволингизни тушундим. Айнан шу боис ҳам, бугунги кунга қадар қорхоналаримизда 31 та сифатни бошқарув тизими ва соҳага оид халқаро стандартлар жорий этилди.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Саволингизни тушундим. Айнан шу боис ҳам, бугунги кунга қадар қорхоналаримизда 31 та сифатни бошқарув тизими ва соҳага оид халқаро стандартлар жорий этилди.



коллаген, полиуретан, сунъий чарм сингарни янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариши йўлга қўйилди.

— Юртимиздаги чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоғида фаолият юритаётган қорхоналарни иқтидорли, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, тизимга, айниқса, ёшларни жалб этиш борасида қандай чоралар кўрилмақда?

— Таъкидлаш жоизки, ҳозир бизда соҳа қорхоналари учун етук кадрлар тайёрлаш ҳамда тармоқнинг илмий салоҳиятини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Саволингизни тушундим. Айнан шу боис ҳам, бугунги кунга қадар қорхоналаримизда 31 та сифатни бошқарув тизими ва соҳага оид халқаро стандартлар жорий этилди.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?



жумладан, ташқи иқтисодий алоқалар, экспорт-импорт амалиётларини амалга ошириш, бож-тариф сиёсатини юритиш, тариф ва нотариф бошқариши, маҳсулотлар бўйича мувофиқлик ва келиб чиқиб сертификатларини халқаро талаблар асосида тайёрлаш, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришга доир стандартлар, техник регламентлар ҳамда бошқаларни ЕОИИ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан уйғунлаштириш, бу — давлатлараро тузилмалар ва экспертлар ҳамжамияти иштирокидаги узоқ мuddатли мураккаб жараён ҳисобланади.



Ушбу жараёнда ва унинг доирасида ваколатли тузилмалар, хусусан, "Ўзчарманоат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси чарм-саноат ва мўйначилик соҳалари мўжабли юретишчи субъектларнинг манфаатларини химоя қилиш йўналиши ва миллий устуворликларни тушунчасини белгилайди.

Унга аъзо мамлакатлар ўртасида Инвестицияларни рағбатлантириш ва бозорга чиқариш тўғрисида ҳамда Техник регламентларни гармонизация қилиш ҳақида битимлар, шунингдек, аъзо мамлакатларнинг умумий энергетик бозорини ташкил қилиш концепцияси қабул қилинган.

— Ушбу ташкилот мамлакатимиз чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янада ривожланиши учун қандай афзалликлар беради?

— Бу борада бир қатор афзалликлар юзага келади. 1. Давлатлараро стандартлар регламенти рўйхатиغا кирувчи ёки ЕОИИга аъзо давлат миллий стандартларининг Техник регламентлари ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилиши натижасида маҳаллий қорхоналарнинг чарм-пойабзал, чарм-атторлик, мўйна, қорақўл ва жундан ишланган тайёр маҳсулот ҳамда буюмларнинг сифати жуда юқори бўлиши таъминланади.

қўпайтириш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш учун муҳим пойдевор бўлади.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

хоналари ўз маҳсулотларини ЕОИИ мамлакатларига ҳамда ушбу давлатлар орқали узоқ мамлакатларга кўч миқдорда самарали экспорт қилади.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

қанда энг катта интеграциявий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистоннинг транспорт ва логистика ҳамда транзит салоҳиятидан максимал даражада фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистоннинг чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ЕОИИнинг барча транспорт йўлига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон ва ЕИ (Европа Иттифоқи) ўртасида эса факат битта — Беларусь — Польша божхона чегараси қолади. Ўзбекистон ЕОИИнинг Хитой молиялаштиришга давogarлик қилаётган транспорт соҳасидаги қўшма лойиҳаларидан иштирок этиши мумкин бўлади.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

— Ҳозирги вақтда чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳалари янги бозорларга қанчалик киришга тайёр, деб ўйлайсиз?

— Айтиш жоизки, айти пайтда уюшмамиз томонидан Президентимизнинг 2018 йил 3 майдига "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2019 йил 16 сентябрдаги "Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида бир қатор ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

Дилшод УЛУГМУРОДОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Footer section containing contact information for 'Xalq S'uzi' newspaper, including address, phone numbers, and website details.